



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 7 октябрь, № 193 (6376) Чоршанба

Сайтнинг QR-кодидан телефонингиз орқали сканер қилинг.



СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРИ

БОЛАЛАР СПОРТИ

Президентимиз жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Наманган ҳамда Фарғона вилоятларига ташрифи давомида истиқлол йилларида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг ёрқин самаралари ҳақида тўхталар экан, бугун ёшларимиз ўз олдига аниқ мақсадлар қўйиб, дадил интилаётгани, барча соҳада катта ютуқларга эришаётгани халқимиз қалбини ғурурга тўлдирётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.



Дарҳақиқат, соғлом авлод — келажагимиз бунёдкори. Шундай экан, уларнинг маънавий ва жисмоний камолоти эртанги ҳаётимизнинг янада фаровон бўлишини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Қолаверса, мамлакатимиз довруғини жаҳонга кенг ёйишда ёшларимизнинг гай-

рат-шижоати ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бунда, айниқса, спортнинг ўрни бекиёс. Зеро, кейинги йилларда юртимизда мазкур соҳани изчил ривожлантириш орқали ўғил-қизларимизнинг

соғлом ва бақувват бўлиб улгайишларига эришилаётган. Ўз навбатида, уларнинг халқаро майдонлардаги ёрқин галабалари Ўзбекистон тенглар ичра тенг мамлакат эканлигини тақрор-тақрор исботламоқда.

Бешариқ туманидаги 2-сонли "Раққон" болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳам кўплаб нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашаётган ёшлар таҳсил олади. Ҳозир бу ерда 3 минг нафардан зиёд

ўғил-қизлар спортнинг 8 тури бўйича машғулотларда иштирок этапти. Уларга 24 нафар малакали мураббий устозлик қилмоқда.

(Давоми 4-бетда.)



Акциядорлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш йўлида

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унинг иккинчи кунда депутатлар мажлиси кун тартибига киритилган масалалар бўйича муҳокамани давом эттирдилар.

ПАРЛАМЕНТДАГИ ЖАМИЯТИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Парламент қуёи палатаси аъзолари ишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибидан Қонунчилик палатасига киритилган "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда. Қонун лойиҳаси мазкур соҳадаги қонунчиликнинг тизимлигини таъминлаш, уларнинг нормалари ва ихро механизmlарини бир-бирини қўйиш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг тўлақонли бўлишига қаратилган.

Қонун лойиҳаси устида ишлашга тегишли вазирлик ва идораларнинг, акциядорлик жамиятларининг вакиллари, акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар, иқтисодчи олимлар, ҳуқуқшунослар, жамоатчилик вакиллари жалб этилди. Барча даражадаги қизғин муҳокамалар, миллий ва хорижий тажрибадан фойдаланиш ва қиёсий таҳлил этиш, жиддий баҳс-мунозаралар, сиёсий қулаб фикрларини ҳамда тақлифларнинг эътиборга олинганлиги иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифаларига жавоб берувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш имконини берди. Шу тариқа ушбу қонун лойиҳаси асосида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув соҳасидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва ихро механизmlарини бирхиллаштириш таъминланди.

(Давоми 2-бетда.)

Қисқа сатрларда

- Наманганда фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини кучайтириш масаласига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда давлат органлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари имкониятидан фойдаланиш борасида фикр алмашилди.
- Тошкент вилоятида ўтказилган тадбирда Президентимизнинг жорий йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан жойларда олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.
- Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси томонидан "Қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш" мавзусида анжуман уюштирилди.
- Пойтахтимизда ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртра, шунингдек, олий харбий таълим муассасаларида бўлиб ўтган тест синовлари якунларига оид матбуот анжумани ташкил этилди.
- Тошкентда "Ўзбекэнерго" АЖ фаолиятини такомиллаштириш ва истеъмол қилинаётган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар интизомини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар" мавзусида тадбир ўтказилди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Маҳалла — фуқаролик жамиятининг муҳим таянчи

Мамлакатимизда барча соҳада эришилаётган улкан ютуқ ва марралар нафақат юртдошларимиз, айни чоғда хорижийлар томонидан ҳам юксак эътироф этилаётган. Қўлга киритилаётган муваффақиятлар, шубҳасиз, "Ўзбек модели" асосида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасидир.

ЖАРАЁН

Ислохотлар жараёнида, айтиш ўринлики, давлат ва жамоат ташкилотлари қаторида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этиб келаётган. Хусусан, ушбу ноёб тузилма томонидан бугунги кунда аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларимизни она-

Ватан ҳамда истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш каби ўттиздан ортиқ вазифалар самарали бажариб келинапти.

Бу борада фуқаролар йиғинларида жамоатчилик асосида фаолият олиб бораётган Яраштириш, Маърифат ва маънавият масалалари, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш, Хотин-қизлар билан ишлаш, Вояга етмаганлар,

ёшлар ва спорт масалалари, Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари, Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар хизмати салмоқли бўлаётган. Жумладан, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари комиссиялари сайъ-ҳаракати билан фарзандларимиз маънан етук бўлиб улгайиши ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, ҳуқуқ ва маффаатларини таъминлаш ҳамда улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан зарур

чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилаётган.

Гулистон шаҳридаги "Улуғобод" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ушбу комиссия таркиби ҳам эл орасида обрў-эътибор қозongan, таълим-тарбия ва спорт соҳаларида етарли тажриба ҳамда малакага эга кишилардан тузилган. Масалан, комиссия раиси Г. Назарова ўқитувчи, М. Раҳмонов ва В. Тўрабекова спорт ва жисмоний тарбия мутахассисларидир. Бу белгиланган вазифаларни изчил бажаришда муҳим омил бўлмоқда. "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлик механизми доирасида тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилишига қўмаклашилапти.

(Давоми 2-бетда.)

ФОРУМ

Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳрида «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди. Ушбу форум доирасида «Соех» кўргазмалар павильонида «Савдо-саноат роуд шоузи» халқаро кўргазмаси ўтказилди. Унда Жанубий Корея, Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ишбилармон доираларининг икки юздан ортиқ вакиллари иштирок этди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

СЕУЛ, 6 октябрь. ЎЗА махсус мухбири Ирода УМАРОВА хабар қилади.

Мазкур халқаро кўргазмада мамлакатимизнинг улкан савдо-иқтисодий салоҳияти ва экспорт имкониятлари намойиш этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида саноат тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспортни

қўллаб-қувватлаш борасида изчил амалга оширилаётган ишлар самарасида махсуслотларнинг рақобатбардорлиги ошиб, ташқи бозордаги ўрни мустаҳкамланиб бормоқда.

Корея Республикаси билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ташкил

этилган халқаро кўргазмадаги Ўзбекистон стендида мамлакатимиз саноатининг озик-овқат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, электр техникаси, қурилиш материаллари ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хунармандлик, кўнчилик каби тармоқларида фаолият кўрсатаётган элик-дотлари намойиш этилди.

(Давоми 2-бетда.)

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ёшлар ўртасидаги "MIT.uz" — миллий интернет танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

МИЛЛИЙ ИНТЕРНЕТ ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ҳамда бошқа муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда талабалар, фаол ва ташаббускор ёшлар қатнашди.

Маросимда сўзга чиққанлар ахборот-коммуникация соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар тўғрисидаги таълим-тарбия ва спорт ишлари вазирликлари, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ҳамда бошқа муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда талабалар, фаол ва ташаббускор ёшлар қатнашди.

Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоялаш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ошириш ҳамда юртимиздаги ислохотларни интернет тармоғида кенг ёритишда навқирон авлод иштирокчини таъминлашга хизмат қилаётган.

(Давоми 2-бетда.)

